

Закоти бериладиган молда лозим бўлган шартлар | Фикҳ дарслари (286-дарс)



19:00 / 13 июнь 263

هُلِّلَا يَضَرَّ رَءْيِيَّ رَهْ يَبَا نَع
هُلِّلَا يَلَّصَّ يَبْنَلَا نَعُ هُنَع
نَمَامَ «: لَأَقَمَّ لَسَوِ هَيْلَع
أَلَا هِي فُ دَابِغُ لَأُحْبُصِي مَوِي
لُوقِي فِ نَأَلْزُنِي نَأَكَلَم
أَقْفَنُ مَطْعَأُ مُهَلَّلَا : أَمُهُ دَحَأ
مُهَلَّلَا : رَخَّأَلَا لُوقِي وَ ، أَفَلَخ

أُمُّ هَاوِرَ . «أَفَلَتِ الْكِسْمُ مِنْ طَعَا يُيَأْسُنْ لَأَوْ نَاخِيَّ شِلَا

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бандалар тонг оттирган ҳар бир кунда албатта, икки фаришта нозил бўлади. Улардан бири:

«Аллоҳим! Инфоқ қилувчига ўринбосар бергин», дейди. Иккинчиси эса:

«Аллоҳим! Мумсикка йўқотиш бергин», дейди», дедилар».

Иккисини икки шайх ва Насоий ривоят қилишган.

Энди закот бўйича «Мухтасари Виқоя»да келган матнларни шарҳлашга ўтайлик.

فَلَكُمْ رُحَىٰ لَعَالِ الْبِحَاتِ أَل
أَمَاتِ الْكُلْمِ كِلَامِ مِلْسُمِ
أَمِ أُوهُومِ أَنْ بَأَصْنَلِ
وَأَمْوَسِلِ وَأِي نَمَثَلِ اب
لُوحِ لَاعِمِ رَاجَّتْ لِي ن
يَلِصَّ أَلِ هِتَجَاحُ نَعِلِ لُضَافِ

ذُبَعٌ نَمٍ بَلْ أَطْمٍ نِي دُنَعُو
الْوِبَاتُ كُمْ يَلَعُ بَجِي الْف
نَاكٍ مَّايَا لَوْصُولًا دَعَب
الِدُوحَجَمُو، دُوقُ فَمَك، أَرَامِض
ةَرَدَا صُمٍ ذُوحُ أَمُو، هِيَلَعُ هَجُح

لِكُلِّ لَابَقِ دَصَّ تَيْ نَأَلٍ، لَزَعُ لَأَوْلَاءُ أَلِ تَقُو هِي نَلِ طُرُشَو

Закот фақат хур, мукаллаф, муслмон, ўсиб турувчи, аслий хожатидан ва бандалар тарафидан талаб қилинадиган қарздан ортувчи нисобга тўлиқ молик бўлган одамгагина фарз бўлади. Ўсиш қиймат, далада боқиш ёки тижорат нияти ва бир йил ўтиши ила бўлади.

Бас, закот мукотабда, умид узилгандан бир неча кун ўтиб қўлига тушган молда, тан олинмаган, ҳужжати бўлмаган ва мусодара қилиб олинган молда фарз бўлмайди.

Закотни адо этиш ёки уни ажратиш вақтида ният қилиш шарт қилинди. Илло, молнинг ҳаммасини садақа қилиб юборса, бундан мустасно.

Ушбу жумлаларда закотнинг фарз бўлиш шартлари ҳақида сўз бормоқда. Уларнинг ҳар бири билан батафсил танишиб чиқсак, масалани пухта тушуниб оламиз.

Закот фарз бўлиши учун уни берувчида ва закоти бериладиган молда лозим бўлган шартлар қуйидагилардан иборат:

1. Хур.

Қул, мукотаб (хожаси билан озод бўлиш учун тўлов тўлашга шартнома тузган қул), мудаббар (хожаси «Мен ўлгандан кейин озодсан», деб қўйган қул) ва умму валад(хожасидан бола кўрган чўри)ларга моли бўлса ҳам, закот фарз бўлмаган, чунки уларнинг ўзлари бировнинг мулки бўлишган. Шунинг учун уларнинг мулкка моликлиги тўлиқ эмасдир.

2. Мукаллаф.

«Мукаллаф» деганда унга нисбатан шариат ҳукмлари тақлиф қилинган, яъни шариат ҳукмларини бажариши фарз бўлган шахс тушунилади. Бу ерда асосан балоғатга етганлик ва оқиллик кўзда тутилган. Шунинг учун балоғатга етмаган болаларга ва мажнунларга закот фарз бўлмайди.

نَعُ هُنَّ عُلَلَا يَضَرِّي لَعُ نَع
هَيَلَعُ هَلَلَا يَلَّصِي بَّنَلَا
نَعُ مَلَقْلَا عَفُرُ: لَأَقَمَلَسَو
يَّتَحِمُّ إِنْ لَلَا نَعُ: ثَالِث
بَصَلَا نَعُو، ظِقِّي تَسَي
نُونُ جَمَلَا نَعُو، مَلَّتْ حَيُّ تَح
دُوَادُ وَبَأُ هَاوَرُ. «لَقِ عَيُّ تَح
هَجَامُ نَبَاوُ يَأْسُنَلَاو
مَكْأَخْلَاو

Али розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Қалам уч тоифадан кўтарилгандир: уйқудагидан, уйғонгунича; ёш боладан, эҳтилом ёшига етгунича; мажнундан, ақли киргунича», дедилар».

Абу Довуд, Насоий, Ибн Можа ва Ҳоким ривоят қилишган.

3. Муслмон.

Муслмон бўлмаган одамга закот фарз бўлмайди.

Муслмон бўлмаган одамдан закот олинмаслиги закот исломий ибодат бўлгани учундир. Худди муслмон бўлмаган одамдан намоз ўқиш ва рўза тутиш талаб қилинмаганидек, закот беришни ҳам талаб қилиб бўлмайди.

هَلَلَا يَضْرِبُ سَابِعَ نَبَا نَع
هَلَلَا يَلْصُقُ يَبْنَلَا نَأ : أَمْ هَنْع
نَبِ ذَاغُمَل لَاقَمَلَسَوِ هَيْلَع
يَلْإِ هَتَّعَبَ نِيحَلَبَج
أَمْ وَقِي تَأْتَسَلَكُنَا : نَمِيَلَا
مُهَتُّجَ إِذِإِفِ بِأَتِكَ لَهَأ
أَلْ نَأ أُوْدَهَشَي نَأ يَلْإِ مُهْغَدَاف
أَدْمَحُم نَأَوِ هَلَلَا أَلْإِ هَلْإِ

اَوْعَاطَاُ مُهْ نِإْفِ، هَلْ لَأُلُوسَرِ
هَلْ لَأُنَا مُهْرَبْخَافَ كَلِذِبْ كَلِ
سَمَخُ مَهْيَلَعَضَرَفْ دَقِ
،ةَلْيَلَوِ مَوِيْلُكُ يِفِ تَأَوَلَصِ
كَلِذِبْ كَلِ اَوْعَاطَاُ مُهْ نِإْفِ
ضَرَفْ دَقِ هَلْ لَأُنَا مُهْرَبْخَافِ
نَمُ دَخُوْتٌ ةَقَدَصُ مَهْيَلَعِ
يَلَعُ دَرْتَفُ مَهْيَأِي نَعَا
كَلِ اَوْعَاطَاُ مُهْ نِإْفِ، مَهْيَأَرَقُفِ
مَهْيَأَرَكُ وَكَأَيِإْفِ كَلِذِبِ
ةَوْعَدِ قَاتَاوُ، مَهْلَأَوْمَا
هَنْيَبِ سَيْلُهُ نِإْفِ، مَوْلُظْمَلَا
هَأَوْرُ. «بِأَجْحِ هَلْ لَأُنْيَبِ وَ

ۋەسەس مَحَلَا

Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам Муъоз ибн Жабални Яманга юбораётиб, унга қуйидагиларни айтганлар:

«Албатта, сен аҳли китоб қавмининг ҳузурига борасан. Бас, қачон уларнинг ҳузурига етиб борсанг, уларни «Лаа илааҳа иллаллоху ва анна Муҳаммадан Расулуллох», деб шаҳодат беришларига даъват қил.

Агар улар сенга бунда итоат этсалар, Аллох уларга бир кечакундузда беш вақт намозни фарз қилганининг хабарини бер.

Агар улар сенга бунда итоат этсалар, Аллох уларга уларнинг бойларидан олиниб, фақирларига қайтариладиган садақани фарз қилганининг хабарини бер.

Агар улар сенга бунда итоат этсалар, яхши молларини олишдан ҳазир бўл. Мазлумнинг дуосидан қўрқ, чунки, у (дуо) билан Аллохнинг орасида парда йўқдир».

Бешовлари ривоят қилишган.

Ушбу ҳадисда Набий соллаллоху алайҳи васаллам закот беришни таклиф қилиш иймонга келганларидан кейин бўлишини таъкидлаганлар.

Баъзи бир кишилар: «Ислом давлати соясида яшаётган, аммо мусулмон бўлмаган одам турли имтиёзлардан, хизматлардан, қулайликлардан, ижтимоий манфаатлардан фойдаланади, ҳатто қарилик ёки ишга яроқсизлик нафақасини ҳам олади. Яна у закотдан тушган маблағлар ҳам сарфланган нарсалардан фойдаланади-ю, нима учун ўзи закот бермай юриши керак?» дейишлари мумкин.

Бу саволга уламоларимиз шундай жавоб берадилар:

«Ислом давлати соясида яшаётган ғайримусулмон одам «зиммий» деб аталиб, у «жизя» деб номланган тўлов тўлайди. Исломдаги бу тўловга ибодат маъносида эмас, ҳукумат одамлари билан мусулмон бўлмаган кишилар орасидаги келишув орқали олиб бориладиган муомала сифатида

қаралади».

Зиммий Ислом давлати ҳимоясида юргани, барча ижтимоий имтиёзлардан фойдалангани, аммо ҳарбий хизматдан озод қилингани учун жизя тўлайди.

Агар «жизя»га амал қилинмаётган бўлса, давлат ундай кишиларга алоҳида солиқ солиши мумкин. Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг даврларида Бану Тағлаб номли араб қабиласига нисбатан шундай қилинган.

Энди закоти бериладиган молга қўйиладиган шартлар ҳақида сўз юритилади.

4. Ўсиб турувчи нисобга тўлиқ молик бўлган одам.

Бу жумлада молда бўлиши шарт қилинган нарсалардан бири, яъни ўша мол ўсувчи бўлиши кераклиги айтилмоқда. Ўсишдан мақсад нималигини матннинг қуйидаги жумласи шарҳ қилади:

5. Ўсиш қиймат, далада боқиш ёки тижорат нияти ила бўлади.

Бу жумладаги «қиймат»дан пул бирлиги, яъни қадимги тилла ва кумуш, ҳозирги қоғоз ва танга пуллар ирода қилинган.

«Далада боқиш» закоти бериладиган ҳайвонларга қўйилган шарт бўлиб, бундан қўлда ем бериб боқилган, бу боқишда тижорат мақсад қилинмаган ҳайвонлардан закот берилмаслиги аён бўлади.

«Тижорат нияти» деганда сотиш учун олиб қўйилган ҳар бир нарса кўзда тутилади.

Закот бериш фарз бўлиши учун мол ўсиб туриши ёки ўсишга имкони бўлиши керак. Яъни ўша молдан эгасига фойда кўпайиб туриши ёки фойда кўпайиш имкони бор бўлиши лозим.

Молнинг ўсиши ҳайвонот бойликларида туғилиш, семириш, яна бошқа маҳсулотлар бериш йўли билан бўлади. Бошқаларида эса тижорат ёки шунга ўхшаш йўллар билан бўлади. Агар ўсмайдиган молдан закот фарз қилинса, молни закотнинг ўзи йўқ қилиб қўяди. Бундай ҳолда закот берувчига зарар бўлади. Ҳолбуки, «закот» сўзининг бир маъноси «ўсиш»дир.

Закот ўсувчи моллардан олиниши кераклигига, бошқасидан олиб бўлмаслигига Набийимиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидан

далил келтирилган.

هُلِّلَا يِضَرَ رَؤْيِي رَهْ يِبَا نَع
هُلِّلَا يِلَّصَّ يِبَّنْ لَانَع ، هُنَع
سَيْلَ « : لَأَقَمَّ لَسَوِ هَيْلَع
يِفْ ةَقَدَّصْ مَلْسُ مَلَا يَلَع
هُأَوْر . «سَرَفْ يِفْ أَلَوِ هِدْبَع
ةَسْمَخْلَا

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Мусулмонга қулида ва отида садақа йўқ», дедилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

Қул ва от кишининг хизмати учун керакли нарсалар. Улардан тижорат мақсадида фойдаланилмайди. Шунинг учун шахсий эҳтиёжлар учун ишлатиладиган ҳеч бир молдан закот чиқариш фарз бўлмайди.

Тилла ва кумуш доимо ўсиб турадиган мол бўлгани учун уларнинг ҳар қандай ҳолатидан закот берилади.

Зироат бойликлари табиий ўсишга боғлиқ бойликлардир, кон ва дафиналар ҳам шундай.

Ҳайвонот бойликлари туғилиш, семириш ва турли маҳсулотлар бериш билан ўсади.

Тижорат моллари эса энг кўп ўсувчи моллар ҳисобланади.

Пуллар ҳам шундай, нарсаларнинг қиймати пул билан ўлчанади. Ҳозирги кунда бу нарсасиз мол кўпайтиришни умуман тасаввур қилиб бўлмайди. Аммо баъзан шу пулнинг ўзи ўсмай, кўпаймай туриб қолиши ҳам мумкин.

Масалан, бир кишининг нисобга етган миқдорда пули бор, дейлик. У ишончли жойда турибди. Лекин йил давомида бир тийинга ҳам кўпаймади. Закот берадими-йўқми? Шубҳасиз, закот беради. Чунки у пул ўсишга имкони бор мол ҳисобланади. Унинг эгаси ўзининг уқувсизлиги туфайлигина бу пулнинг ўсишига имкон бермади. Аслида эса у одам пулини савдога ишлатиб ёки ишлаб чиқаришга қўйиб, ўзи ҳам фойда олиши, ўзгаларга, жамиятга ҳам фойда келтириши мумкин эди.

«Кифоя» китобининг иккинчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.